

## Фикҳ дарслари (144-дарс). Ҳанафий мазҳабида қуйидаги вақтларда намоз ўқиш ҳаром



18:00 / 08.07.2021 5524

لَمْ يُمْرُ مَلَوْجًا فَلَا دَعْبَ أَعْبَسَ تَيْبَلَابَ فَاطُؤْنَ عُهُلًا لِيَضْرَرَ رَمُؤْنَا: يَوْمَؤ  
سُمِّشَلَا تَغْفَتُؤرَا أَمْ دَعْبَ فَاؤْطَلَا يَتَغَكَّرُؤ لِيَصَفَ، يَوْمَؤ يَدِي لِيَجْرَحَؤ تَح

«Умар розияллоҳу анҳу бомдоддан кейин Байтни етти бор тавоф қилиб, Зу Тувога чиқмагунларича намоз ўқимадилар. Тавофнинг икки рақъат (намоз)ини қуёш кўтарилгандан кейин ўқидилар» («Фатҳу бабул иная би шарҳи Ниқоя»).

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қуйидаги вақтларда барча намозларни ўқиш ҳаром:

1. Қуёш чиқаётган пайтда.
2. Қуёш қиёмга келган вақтда. (Жума куни мустасно.)
3. Қуёш ботаётган пайтда. (Ўша куннинг асри мустасно.)

Қуйидаги вақтларда нафл ўқиш ҳаром.

4. Бомдод намозининг фарзидан то қуёш найза бўйи кўтарилгунча.
5. Аср намозининг фарзидан то қуёш ботгунча.

Ҳанафий мазҳаби бўйича қуйидаги вақтларда ҳам нафл намозлари ўқиш макруҳдир:

6. Тонг отгандан сўнг бомдоднинг суннатидан бошқа нафл намозларни ўқиш. Бунинг далили:

**أَلِجْ فِجْلَاعِ وُلُطَ دَعَبُ «: لَأَقُ هُنَّ هَلَلِ يَضَرُّ هَلَلِ أَلِ وُسْرَ نَأْ: رَمُعِ نَبِ إِنْ عِ  
يُنَّ أَرْبَطَلِ أَوْر.»**

Ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Фажрдан кейин бомдоднинг икки ракъат суннатидан бошқа намоз йўқ», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

7. Шом намозидан олдин нафл ўқиш. Чунки шом намозини тез ўқишга амрлар бор. Ундан олдин нафл ўқиш шомни кечиктириш бўлади.
8. Жума, ийд, ҳаж, никоҳ, кусуф, хусуф ва истисқо хутбалари бўлиб турган вақтда. Бу вақт имом минбарга чиққанидан то намозни ўқиб бўлгунча давом этади.
9. Ийд намозидан олдин ва кейин.

10. Фарз намозга иқома айтилганда. Фақат бомдоднинг суннатини тезда, фарзга улгуриш шарти билан ўқиб олиш жоиз.

Ким намознинг охирги вақтида аҳли фарз бўлиб қолса, фақат ўша намозни қазо қилади.

Бирорта шахс намоз вақтидан таҳримани айтгунчалик вақт қолганда балоғатга етди ёки мусулмон бўлди ёки ҳайзнинг ўн куни, нифоснинг қирқ кунидан пок бўлди. Оз вақт бўлса ҳам, унга намоз фарз бўлди. Шунинг учун у ўша намознинг қазосини ўқийди. Ҳайз ва нифоснинг озидан пок бўлганда эса ғусл қилиш ва таҳрима сиғадиган вақт қолганда пок бўлиши керак.

Чунки олдинги вақтда адо қилинмаган нарса учун охирги вақт мўътабар бўлади. Ким охирги вақтда фарзни адо қилишга аҳл бўлса, унга ўша вақтнинг фарзини адо этиш вожиб бўлади. Мазкур охирги вақтда фарзни адо этишга аҳл бўлмаса, ундан мазкур фарз соқит бўлади. Шунинг учун ҳам

Охирги вақтда ҳайз кўрган қазо қилмайди.

Аёл киши намозни аввалги вақтида ўқимай, орқага суриб юрди. Озгина вақт қолганда ҳайзи келиб қолди. У мазкур намозни қазо қилмайди. Шунингдек, нифос кўрган аёл ҳам.

**«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди**